
ФАРФОНАДА ХИТОЙ КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Хитойнинг K&F Machinery Co., Ltd қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи компания вакиллари қабул қилди.

Учрашувда Хитой компанияси томонидан вилоятимизда қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш лойиҳаси муҳокама қилинди.

K&F Machinery Co.,Ltd қишлоқ хўжалиги, қурилиш техникаси ва турли бутловчи қисмларни сотиш ва техник ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи инновацион компания ҳисобланади. Компания кўплаб давлатларда қишлоқ хўжалиги техникаларини йиғиш линияларини ташкил қилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-09-03 14:46:03